

Акбарова Наргиза Шавкатовна: *“Инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг хориж тажрибалари”*. (5A230603 – Инвестицияларни бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича).

Илмий раҳбар: и.ф.н. Собирова Л.

Тадқиқот мақсади: инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг илғор хориж тажрибаларидан ижодий фойдаланиш асосида мамлакатимизда инвестицион лойиҳаларни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

– инвестицион лойиҳаларни бошқаришнинг мазмуни, моҳияти, зарурлиги ва аҳамиятини ёритиш;

– инвестицион лойиҳаларни бошқариш усуллари ва услубиётини тадқиқ этиш;

– инвестицион лойиҳаларни бошқаришни (таҳлил қилиш, режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат) босқичларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

– инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

– лойиҳа циклининг турли босқичларида инвестицияларни бошқариш амалиётининг таҳлил қилиш;

– лойиҳанинг сифат менежменти ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

– инвестиция лойиҳаларини бошқариш, тартибга солиш ва мувофиқлаштиришнинг хориж тажрибаларини ўрганиш ва ундан Ўзбекистонда лойиҳаларни бошқариш амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаш;

– инвестиция лойиҳаларини бошқаришни такомиллаштириш йўллари тадқиқ этиш;

– инвестиция лойиҳаларини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.